



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2022 йил — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2022 йил 29 апрель, № 89 (8151)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма бешинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

28 апрель куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма бешинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади.



Ялпи мажлиси Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди. Видеоконференцалоқа шаклида ўтказилган мажлисда сенаторлар, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар вакиллари ҳамда миллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Дастлаб сенаторлар "Почта алоқаси тўғрисида"ги қонунни кўриб чиқди. Мазкур қонуннинг янги таҳрири хизматлар бозоридagi почта алоқаси фаолиятини ривожлантиришга ҳамда почта алоқаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган. Қонун билан почта алоқаси соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари кенгайтирилиб, унга асосан давлат томонидан почта алоқасини халқаро нормалар ва стандартларга мувофиқ ривожлантириш, соҳага инвестицияларни жалб этиш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш, давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, илғор инновацион, ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилишини рағбатлантириш белгиланмоқда. Мазкур қонун ҳужжатларининг роя этилиши юзасидан давлат назоратини юритувчи давлат органи сифатида Ўзбекистон Республикаси Ахборот-лаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси белгиланмоқда. Қонун билан фойдаланувчиларнинг манзилга оид маълумотлар, почта ва курьерлик жўнатмалари, уларнинг таркиби тўғрисидаги ахборот, шунингдек, почта алоқаси операторлари ҳамда

провайдерларнинг фаолияти соҳасига кирадиган бошқа хабарлар почта алоқасининг сирини ташкил этиши ва у давлат томонидан кафолатланishi белгиланмоқда. Шунингдек, қонун почта алоқасининг хавфсизлигини таъминлаш чоралари тўғрисидаги янги норма билан тўлдирилмоқда. Хусусан, почта алоқасининг хавфсизлиги почта алоқаси сирини ҳимоя қилишга, почта ва курьерлик жўнатмаларининг, почта алоқаси воситаларининг бут сақлинишини таъминлашга қаратилган. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди. Шундан сўнг сенаторлар "Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тўғрисида"ги қонунни муҳокама қилди. Мазкур қонун билан Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги инспекцияси ва унинг ҳудудий инспекциялари соҳада давлат назоратини амалга оширувчи орган эканлиги ҳамда уларнинг ваколатлари белгиланмоқда.



ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тўғрисидаги махсус ваколатли давлат органи этиб, вазирлик ҳузуридagi Ичимлик суви-дан фойдаланишни назорат қилиш

инспекцияси ва унинг ҳудудий инспекциялари соҳада давлат назоратини амалга оширувчи орган эканлиги ҳамда уларнинг ваколатлари белгиланмоқда.

### Мулоқот

## ЎЗАРО АЛОҚАЛАР ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддинжон Исмоилов Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги доимий координатори Роли Астхана билан учрашди.

Сўхбат аввалида Н. Исмоилов Р. Астханани шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинлангани билан самимий қутлаб, дипломатик фаолиятида муваффақиятлар тилади. Шундан сўнг меҳмонга Қонунчилик палатасининг таркибий тuzилиши, унинг қонун ижодкорлиги йўналишидаги фаолияти, кўмиталар, комиссиялар, депутатларнинг асосий вазифалари ҳамда "Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари" тамойили асосида қабул қилинган 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида сўзлаб берилди.

Шериклик асосида траст фонди тuzилганида яққол намоён бўлди.

Кайд этилганидек, Ўзбекистон барқарор ривожланиш соҳасида БМТ билан яқин ҳамкорлик қилмоқда. Жумладан, БМТнинг 2030 йилгача кун тартибда бўлган масалаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон ҳукумати томонидан 2030 йилгача бўлган даврни қамраб олган барқарор тараққиёт соҳасидаги Миллий мақсад ва вазифалар белгилангани, унинг имплементацияси бўйича "Йўл харитаси" қабул қилингани ҳамда Парламент комиссияси тuzилгани эътироф этилди. Шунингдек, меҳмон БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон учун дастури асосида яқиндан ҳамкорлик қилишга тайёригини билдирди. Дўстона ва конструктив руҳда ўтган учрашув якунида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш борасида тегишли чора-тадбирларни амалга оширишга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

### Мулоҳаза

## АҲОЛИ БАНДЛИГИ ВА ДАРОМАДИНИ ОШИРИШДА МУҲИМ ТАРМОҚ

Ўзбекистон — маънавий-маданий мерос, тарихий ёдгорликлар, муқаддас қадамжоларга бой, қўлай табиий-иқлим шароити мавжуд юрт сифатида улкан туристик салоҳиятга эга.

Маълумотларга кўра, 2017 йилда мамлакатимизга 2,69 миллион нафар хорижий турист ташриф буюрган бўлса, пандемиядан олдин ушбу кўрсаткич уч баробарга ошиб, 6,75 миллион кишига етди. Аммо юртимизнинг сайёҳлик соҳасидаги улкан салоҳияти, амалга оширилаётган ислохотлар кўламини ҳисобга олсак, ушбу йўналишда эришилган натижалар кишини қувонтирадиган даражада эмас. Сабаби соҳанинг тараққий этиши нафақат мамлакат туристик жозибадорлигининг ошиши, балки иқтисодиёт, аҳоли бандлиги, инфратузилма ривожини, илм-фан тараққий этиши каби кўплаб тармоқларга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Куни кеча давлатимиз раҳбари расмийда йўқозилган видеоселектор йиғилишида туризм хизматлари кўламини кенгайтириш ва инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари атрофида муҳокама қилиниб, галдаги вазифалар белгиланган. Хусусан, йиғилишда пандемия пайтида ўрнатилган чекловлар бирин-кетин қамалётгани тўғрисида туризм индустрияси тикланаётганлиги, жорий йилнинг биринчи чорагида юртимизга хориждан 610 минг нафар ёки ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 2 баравар кўп туристлар келгани қайд этилди. Таҳлиллар кейинги ойлarda сайёҳлар оқими янада кўпайишини кўрсатяпти.

### Умумхалқ хайрия ҳашари

## ЮРТ ОБОД — КҮНГИЛЛАР ШОД

Шу йил 30 апрель куни Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 26 апрелдаги тегишли фармойиши асосида юртимизда "Маҳалла ободлиги — юрт фаровонлиги" шиори остида умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилди.

Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси, Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирликлари, Ешлар ишлари агентлиги, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, кенг жамоатчилик ташаббуси билан ўтказилган мазкур ҳашар давомида маҳаллалар, аҳоли тураржойла-

ри, гузарлар, хиёбонлар, зиёратгоҳлар, болалар майдончалари тартибга келтирилади. Айни пайтда "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида кизгин давом этаётган ободонлаштириш ҳамда кўчаларнинг яшилдириш ишлари янада фаоллашади, маҳаллаларда гул қўчатлари, манзарали ва мевали дарахтлар экиш, оқлаш ҳамда буташ ишлари амалга оширилади.

## ҲОКИМ ЁРДАМЧИЛАРИ

маҳаллаларда нима ишлар билан банд?

Давлатимиз раҳбарининг "Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида"ги Фармони ушбу соҳадаги ишларга ҳуқуқий замин яратди.

### Нуқтаи назар

Ҳужжат билан жорий йилдан бошлаб ҳар бир шаҳарча, қишлоқ, овулда, шунингдек, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ҳамда овуллардаги ҳар бир маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг ёрдамчиси лавозими таъсис этилди ва жойларда тўққиз ярим мингдан ортиқ ҳоким ёрдамчилари иш бошлади.

Халқимизнинг бой тарихий тажрибасини ўзида мужассам этган ўзига хос бошқарув тизими — маҳалланинг мамлакатимизда олиб борилаётган ислохот ҳамда янгиланишлар жараёнидаги ўрни ва таъсири ортиб бормоқда. Маҳаллалар бугун ислохотларнинг энг қайноқ нуқтасига айланган. Хусусан, аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини амалга оширишга молиявий қўллаб-қувватлаш, уларнинг даромадли меҳнат билан бандлигини таъминлаш механизмларини янада такомиллаштириш, маҳаллабай ишлаш тизимини янги босқичга олиб чиқиш орқали камбағалликни қисқартириш, республика, вилоят, туман ва шаҳарларда кўрсатиладиган давлат хизматлари, манзилли молиявий қўллаб-қувватлаш инструментларини бевоқифа маҳалла даражасига тушириш мақсад қилинган.

### Давлат дастури — амалда

## БАРЧА ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида аҳоли бандлигини таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя масаласи муҳим стратегик йўналиш сифатида белгиланган. Зеро, Тараққиёт стратегиясининг 100 та мақсадидан 34 таси айнан тўртинчи устувор йўналиш бўлган адолатли ижтимоий сиёсатни юритиш, инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган.

Ушбу йўналиш доирасида янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш ва шу орқали 2026 йил якунига қадар камбағалликни камда 2 бараварга қисқартириш муҳим вазифа сифатида белгиланган. Ҳозирги кунда Қонунчилик палатаси кўмита ва фракцияларида муҳокама қилинган "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 2022 йил биринчи чорагида бажарилиши юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботидан ҳам кўриш мумкин, мамлакатимиздаги барча ислохотлар ижтимоий йўналтирилган бўлиб "Инсон қадрини улуғлаш" деган устувор тамойилни тўла рўйбга чиқаришга хизмат қилмоқда.

Бу йилги Давлат дастури 7 та устувор йўналиш бўйича 100 та мақсад ва 398 та банддан иборат бўлиб, уларда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида 318 та қонун, Фармон ва қарорлар ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Давлат дастури ижроси доирасида шу йилнинг ўзида умумий қиймати 55 трлн. сўм ва 11,7 млрд. долларга тенг лойиҳаларни амалга ошириш назарда тутилган. Дастурда белгиланган вазифалар кўлами ва топшириқлар сонидан келиб чиқиб, шунингдек, унинг бажарилишини чуқур таҳлил ҳамда ижросини таъминлаш ишларини тўри ташкил қилиш мақсадида Давлат дастурининг 398 та банди топшириқлар кесимида 607 та яхлит ва кичик бандларга тақсимланган. Хусусан, дастурининг адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш йўналиши бўйича жорий йилнинг биринчи чорагида жами 10 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилингани ижтимоий соҳадаги бандлар ижросини таъминлашга ҳуқуқий асос бўлди. Шу билан

бирга, дастур ижроси доирасида миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш соҳасидаги устувор йўналишларда аҳолининг ижтимоий қўллаб-қувватлашга оид бир қатор ишлар амалга оширилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мамлакатда янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш ва шу орқали камбағалликни қисқартириш, хавфсиз, тартибли ҳамда қонуний меҳнат миграциясини таъминлаш, самарали миграция сиёсатини юритиш бўйича бажариладиган чора-тадбирлар салмоғи ҳам ниҳоятда кенг. Масалан, биргина фуқароларни меҳнат миграциясига ташкиллаштирилган тарзда юборишни ташкил этиш, хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш даврида ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга манзилли ёрдам кўрсатиш мақсадида ҳудудлар кесимида "Йўл харитаси" тасдиқланди. Бунда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга чиқиб кетаётган 60 минг нафар фуқарони ташкиллаштирилган тарзда ишга жойлаштириш, 20 минг нафар фуқаронинг ҳаёти ҳамда соғлигини суғурталаш полислари харажатларини қўллаб-қўвириш белгиланган.

## ИПАКЧИЛИКДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ДУНЁДАГИ САЛОҲИЯТИ ЯНАДА ЮКСАЛАДИ



Ипак куртини боқиш сермашаққат юмуш — бир ҳовучга жам бўладиган бир кути ипак курти вазни то толага айлангунча 10 минг баробаргача ортади, тўрт марта ухлаб туради. Касаначи чақалоқни аллалагандай туну кун бедор бўлиб, уни меҳр оғушида парвариш қилади. Бошқа томондан қараганда ипак курти 48 соат ичида 1,5 минг метр атрофида ип тўқийди. Шунинг учун ҳам уни ипак тўқийдиган фабрикага қиёсласак арзийди. "Фабрика"ни қандай ишлатиш ва сифатли ипак олиш эса пиллакор маҳоратига кўп томонлама боғлиқ.





ҶАР БИР МАСАЛА ЧУҚУР ТАҲЛИЛДАН ЎТКАЗИЛДИ



Почта хизматидан фойдаланувчилар учун қандай қафолатлар берилмоқда?

Наримон УМАРОВ, Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси раиси: — Бугун дунёда бошқа соҳалар қаторида, почта хизматлари йўналиши ҳам замонга мос равишда янгилиниб бораётгани барчага маълум...

Сувнинг ҳар қатраси бебаҳо неъмат

Баҳодир ТОЖИБЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари кўмитаси раиси: — Азалдан халқимиз сувни тирикликнинг энг муҳим омилларидан бири сифатида эъзозлаб келади...

исроф қилинишининг олди олинишига, истеъмолчилар томонидан ичимлик ва оқова сув қувурларига ноқонуний улашиш ҳолатларини бартараф этишга...

Арбитраж тижорат низоларини ҳал этишда катта салоҳиятга эга

Абдулло ХУРСАНОВ, Олий Мажлис Сенати аъзоси: — Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, уни адолат устувор бўлган маҳкамага айлантиришга қаратилган илчил ислохотлар олиб борилмоқда...

этиш ва арбитраж судларини ривожлантиришда ҳуқуқий асос вазифини ўтайди.

Ҳуқуқий тарғибот бугун жуда долзарб

Шухрат Чўллийев, Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси раиси ўринбосари: — Бугунги кунда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва шу боис ҳуқуқий тарғибот ишларини кучайтириш долзарб ҳисобланади...

«Халқ сўзи».

ЮРТ ОБОД – КўНГИЛЛАР ШОД



Копалверса, умум-ҳалқ хайрия ҳашари доирасида аҳолининг эътиём-манд қатламлари, кўмакка муҳтож, боқувчисини йўқотган кекса ҳамда ногиронлиги бўлган фуқароларнинг уй-жойларини яхшилаш ва уларга моддий ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилади.

АҲОЛИ БАНДЛИГИ ВА ДАРОМАДИНИ ОШИРИШДА МУҲИМ ТАРМОҚ



Бирок бугунги кунда айрим ҳудудларда туристлар сонининг ортишига муносиб равишда хизмат кўрсатиш тизими тўғри йўлга қўйилмаган. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон ва Қашқадарё вилоятларида меҳмонхона ўринлари етарли даражада ташкил этилмаган...

Олтиной МАМИРОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

БАРЧА ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

Вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга чиқиб кетаётган 10 минг нафар фуқарога имтиёзли микрокредитлар ажратилиш буйича 2022 йилга мўлжалланган прогноз параметрлари кўзда тутилган.

Умуман олганда, Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлашда ҳаммамиз фалол бўлишимиз, унга аввало, халқни рози қилиш, инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқларвар давлат барпо этиш ҳамда мамлакатимизни ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқишга қаратилгани нуқтаи назаридан ёндашишимиз мақсадга мувофиқ.

Мавлуда Хўжаева, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси раиси.

«Бойсун Баҳори» – нуфузли санъат байрами

Бойсун туманининг маданий муҳити 2021 йили ЮНЕСКОнинг Инсоният номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатида киритилган бўлиб, бу ердаги бой номоддий маданий меросни бор ҳолича сақлаш бугунги авлод зиммасига ҳам катта масъулият юклаши табиий.

билан алоҳида ажралиб туради. Тикувчилик учун керакли хом ашёни ҳам ўзимиз тайёрлашимиз, унга турли рангда бўёқ берамиз. Махсулотларимиз хорижийликларни доимо мафтун этиб келади.



Шукуҳ

Ушбу эътироф туманда халқ хунармандчилиги кенг ривож топгани билан ҳам бевосита боғлиқдир. — Гилам тўқинининг сир-асорларини момоларимдан ўрганганман, — дейди хунарманд Мафтунна Азизова. — Бизнинг худудда гилам тўқинининг 5 хил тури мавжуд, аммо ҳар бирининг тўқини услуби ва нақшлари бир-биридан фарқланади. Биз тайёрлаган гиламлар Бойсун хунармандларига хос хусусиятларни ўзида акс эттиради. Мақсадимиз, аввало, тўқувчилик санъатини мазмундан бойитиш, қолаверса, яқинда бўлиб ўтиши кутулаётган «Бойсун баҳори» фестивали қатнашувчиларига ўзига хос совага тайёрлаш, айнақас, хорижий меҳмонлар эътиборини қозонишдан иборатдир.

Дарвоқе, Бойсун элининг тўй-тантаналарида фольклор жамоалари чиқишларига кенг ўрин берилади. Узининг мафтункор санъати билан муҳлис-лар қалбидан чуқур жой олган бадийи жамоаларнинг репертуари бениҳоя бойлиги ва ранг-баранглиги билан таҳсинга муносиб. Чунончи, халқ руҳиятини ўзида акс эттирган фольклор санъати дурдоналарида ҳаёт завқи, тириклик шукронаси, тинчлик ва дўстлик, биродарлик ва ҳамжиҳатлик тараннум этилади.

дан бизгача етиб келган куй-қўшиқ ва жозибадор рақсларни ижро этиб, халқимиз меҳрини қозонаётми. Жамоамиз репертуаридан суюқли, сополли ҳамда оддий қамшили созларда ижро этиладиган куйлар ҳам кенг ўрин олган. Масалан, сибизганин ҳам дардли, ҳам ўйноқи жаранги ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Турли халқроқ тадбир ва танловларда иштирок этарканмиз, сибизга каби миллий чолғуларимиз хорижийликларда ҳам катта қизиқич уйғотаётганига гувоҳ бўляпмиз. Аждодларимиз ақл-заковати билан яратилган бундай нафис музика мероси билан ҳар қанча фахрланас арзийди.

Шу кунларда бойсунликлар яна бир нуфузли халқроқ тадбирга катта тайёргарлик қўришмоқда. Таъқидлаш жоизки, Вазирил Маҳкамасининг шу йил 7 февралдаги «Бойсун баҳори» халқроқ фольклор фестивалини ташкил қилиш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан май ойда Бойсун тумани нуфузли санъат байрамига мезбонлик қилади.

«Бойсун баҳори» халқроқ фольклор фестивали доирасида халқ сайиллари, концертлар, миллий таом ва либослар, хунармандчилик буюмлари, тасвир ва амалий санъат асарлари кўргазмаларини ташкил қилиш, воҳанинги диққатга сазовор жойларга саёҳатлар уюштириш, этносспорт, веломарафон каби турли беллашувлар, танлов ва шоу дастурлари намойиш этилиши кўзда тутилган.

Илҳом РАҲМАТОВ («Халқ сўзи»).

«Агробанк»: «Agrobooks» бренди яна бир фойдали тўплам билан бойи

Мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалиги ўсимликларини турли зараркундандалар, касаллик ҳамда бегона ўтлардан ҳимоя қилиш буйича тизимли чора-тадбирлар олиб берилмоқда. Албатта, бу жараёнга тегишли вазирлик ва идоралар билан бир қаторда, «Агробанк» АТБ жамоаси ҳам муносиб ҳисса қўшапти, десак, муболага бўлмайди.

Молия муассасаларида

Хусусан, мазкур банк ходимлари аграр соҳада меҳнат қилаётган фермер, деҳқонлар учун хайрли ишларни амалга ошириш ҳамда янгиликлар жорий этишда давом этаётми.

монидан ўсимликларни ҳимоя қилишни илмий қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг аграр соҳадаги билми савиясини ошириш мақсадида 40 та китобдан иборат «Ўсимликлар ҳимояси» тўплами тайёрланиб, чоп этилди.

мерлар, умуман, қишлоқ ҳўжалиги соҳаси вакилларига ўсимликларни касаллик ва зараркундандалардан самарали ҳимоялаш, шунингдек, қарши курашишга оид батафсил маълумотлар, тавсиялар берилган.

«Agrobooks» бренди билан чоп этилган ушбу тўплам ўсимликларни ҳимоя қилишни илмий қўллаб-қувватлаш, қолаверса, фуқароларнинг қишлоқ ҳўжалиги тизимига оид билми савиясини юксалтиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Унда мева-сабзавот ва полиз экинлари, галлачилик каби тармоқларда эришилган кенг камровли илмий ҳамда амалий ютуқлар ва маълумотлар тўлиқ келтирилган.

Таъқидлаш кераки, илмий гуруҳга Тошкент давлат аграр университети, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти, Нукус агротехнология институти каби билим даргоҳлари, муассасаларнинг 100 дан зиёд ходимлари, олим ҳамда ўқитувчилар жамланган.

Бугунги кунда «Ўсимликлар ҳимояси» тўплами босқичма-босқич юртимизнинг барча ҳудудида намуна сифатида етказиб берилмоқда.

Р. ШЕРҚУЛОВ. Хизматлар лицензияланган.

ХАЛҚАРО ДАСТУР ҲАЁТГА ТАТБИҚ ҚИЛИНАПТИ

Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмасида Халқроқ Меҳнат ташкилоти ва Халқроқ молия корпорацияси делегацияси билан учрашув бўлиб ўтди.

Ҳамкорлик

Мулоқотда мамлакатимизда меҳнат шартларини яхшилашга доир «Better Work» дастурини амалга ошириш, пахта-тўқимачилик санъати, хусусан, кластерларда муносабат меҳнат шартларини яхшилаш масалалари муҳокама қилинди.

Ушбу дастур Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган Янги Ўзбекистон тарқиқет стратегияси мақсадларига ҳамоҳанг, — дейди Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмаси раиси, сенатор Муртазо Раҳматов. — Инсон ҳуқуқларини таъминлаш, унинг қадр-қимматини ошириш, аҳоли ҳаёт даражаси ва турмуш шартини юксалтириш кейинги беш йилликда дастуриямал ҳужжатнинг энг устувор вазифалари этиб белгиланган.

Шу боис унинг ижроси пахта-тўқимачилик кластерлари учун қўйилган тўғри қўйилган йўналиш бўлиши керак, даромадини ошириш борасидаги ишлар кўлими кенгайишига катта туртки бўлади.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда меҳнат ҳуқуқи соҳасида илмий ўзгаришлар қузатилмапти. Бу жараёнда Халқроқ меҳнат ташкилотининг асосий конвенциялари ҳамда муҳим келишувлари ратификация қилингани айни мудида бошлаетми. Ҳамкорликнинг ҳозир

ги босқичда меҳнатга муносабат шартини яхшилаш ва ҳақ тўлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. — Учрашувимиз ўта қизгин ва ишанчор ўтди, — дейди Халқроқ меҳнат ташкилоти «Better Work» дастури раҳбари Кенно Бойл. — Кластер тизимида ишчиларга муносиб меҳнат шартини яхшилаш ва ҳақ тўлаш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш борасида яхлит тасаввурга эга бўлди. Ишчи-ҳодимларнинг моддий рағбатлантириш учун йил якуналари бўйича бонус, яъни қўшимча ҳақ тўлаш тизими йўлга қўйилгани юқори баҳолашди.

Делегация кунининг иккинчи ярмида Қўйил Чирчиқ туманидаги «TCT Cluster» кўп тармоқли кластерга ташриф буюрди. Халқроқ ташкилотлар вакиллари кластер томонидан бунёд этилаётган тўқимачилик фабрикаси қурилиш майдонида бўлиб, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларини қўздан кечирдилар. Ишчи-ҳодимларга яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишиб, бу ерда меҳнат қонунчилиги ижроси ва муҳофазасини таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларни юқори баҳолашди.

Сайд РАҲМОНОВ («Халқ сўзи»).



Реклама ўрнида

